

The book cover features a vibrant, traditional Uzbek pattern in shades of orange, black, and white. In the upper right corner, there is a circular inset containing a portrait of a woman with dark hair, wearing a white headscarf and a dark garment. The authors' names are printed in white on a dark rectangular background in the lower right.

Т. Мирзаев, Ш. Турдимов,
М. Жўраев, Ж. Эшонқулов,
А. Тилавов, Ш. Наралиева

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛЮРИ

Т. Мирзаев, Ш. Турдимов, М. Жўраев,
Ж. Эшонкулов, А. Тилавов, Ш. Наралиева

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ

Дарслик



ООК

Алматы, 2021

sent:

qano

Xalq

ЎЖ 398 (575.1)
КБЖ 82.3 (5 У36)
У35

*Жанубий Қозғиқстон давлат педагогика университетини
ўқу-методик кенгаши томонидан тавсия этилди*

Филология фанлари номзоди

Омонилла МАДАЕВнинг умумий тахрири остида

Тақризчилар:

Алиметов Н.Ш. — педагогика фанлари доктори, профессор
Кажнақбарова Р.Б. — филология фанлари номзоли, доцент

Мирзаев Т., Турдимов Ш., Жўраев М.,
Эшонкулов Ж., Тилавов А., Наралиева Ш.

У35 Ўзбек фольклори: дарслик / Т. Мирзаев, Ш. Турдимов, М. Жўраев,
Ж. Эшонкулов, А. Тилавов, Ш. Наралиева. — Алматы: ССК, 2021. — 192 б.

ISBN 978-601-342-952-6

Мазкур дарсликда халқимизнинг бой маънавий мероси ҳисобланган оғзаки
ижод намуналари тадрижий тамойилда, содда, раван ёритилган.

Ҳар мавзу назарий маълумотларни мустаҳкамловчи мисоллар, илмий
адабиётлар билан бойитилган.

Талаба фольклоршуносликнинг энг сўнгги ютуқлари, шунингдек, таҳлил ва
талқиндаги янгича илмий-назарий қарашлардан баҳраманд бўлади.

In this textbook the rich and cultural heritable Uzbek folklore examples are
described with gradual leaning and easy ways. Every topic is become enriched with
theoretical information, many examples and scientific literatures.

The student can get the useful information about successful achievements of
folklore, as well as, the new point of scientific-theoretical views.

В данном учебнике освещены примеры фольклора, которые считаются
богатым духовным наследием нашего народа.

Каждая тема обогащена примерами, перечнем научной литературы, которые
усиливают значение теоретических материалов.

Студент посредством учебника узнает самые последние достижения,
познакомится с новыми научно-теоретическими взглядами в фольклороведении.

ЎЖ 398 (575.1)
КБЖ 82.3 (5 У36)

ISBN 978-601-342-952-6

© Мирзаев Т., Турдимов Ш., Жўраев М.,
Эшонкулов Ж., Тилавов А., Наралиева Ш., 2021
© ССК, 2021

Муаллифлардан

Ўзбек халқининг жаҳон халқлари орасида тутган ўрни,
инсоният тамаддулларига қўшган муносиб ҳиссаси, аввало, халқ
оғзаки ижоди намуналари мисолида яққол кўринади. Ўзбек
фольклорини ёзиб олиш, нашр қилиш, тадқиқ этиш ишлари ўтган
аср аввалларидан бошланган бўлса-да, халқ оғзаки ижодини
чинакам, ҳар томонлама ўрганиш, мукамал нашрларини амалга
ошириш, уларнинг тарихимиз ва бугунги кунимиздаги аҳамиятини
кўрсатиш, англаб етиш бевосита мустақиллик шарофати билан рўй
берди. И. Каримовнинг 2008 йил эълон қилинган «Юксак маънавият
— енгилмас куч» китобида: «Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси
билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки
ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз
ҳазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда
муҳассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа,
тибиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, мезморлик,
деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг
буюк маънавий бойлигимиздир»¹. Халқ ижоди, хусусан, оғзаки
ижод намуналари юртбошимиз тўғри аждодларимиз тафаккури ва
даҳосини намён этувчи маънавий хазина ҳисобланади. Бу хазина
бойлиқларини ёш авлоднинг маънан камолот топиши йўлида хизмат
қилдириш соҳа ходимларининг асосий вазифаси ҳисобланади.
Шунингдек, Ш.Мирзиёев халқро бахшичилик фестивали
очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида
таъкидлаганидек: «...Тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз
санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва
ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш
жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва
жамият арбоблари, барча маданият ахлининг эзгу бurchидир»². Ушбу
маъруза матнлари айни мақсад йўлида тузилмоқда.

¹ Islom Karimov. Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch. — Toshkent:
Ma'naviyat, 2008. — B.31.

² O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning xalqaro
bax-shunchilik san'ati festivali ochilishiga bag'ishlangan marosimdagi nutqi // Xalq
so'zi gazetasi, 2019-yil, 7-aprel. — №68(72-98) son. —B.1.